O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BO`STONLIQ TUMANI

HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2017 йил "03" октябрь" 1491-сон Ғазалкент шаҳри

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998йил., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шихсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2018 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 17–моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 497 кишини ташкил этадиган 7 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3 фоиз – 14 киши;

14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар учун 20,3 фоиз - 101 киши;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 44,2 фоиз – 220 киши;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 9,2 фоиз – 46 киши;

Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 1,2 фоиз – 6 киши;

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 5,8 фоиз – 29 киши;

бошқалар учун 16,3 фоиз – 81 киши, шу жумладан сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар – 4 киши, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар – 72 киши, одам савдосидан жабрланганлар учун – 3 киши ва ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари учун – 2 киши миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

2. Бўстонлиқ тумани бўйича ижтимоий муҳофазага мухтож шахслар учун 2018 йилга квоталанган иш жойларининг миқдори белгиланган корхона ва ташкилот рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

Ижтимоий муҳофазага муғтож ва иш топишда қиёналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил 15 декабр кунига қадар квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмаган ҳолда иш жойларинг қолган қисми 75 фоизини (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) барпо этиш, ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Иш ўринлари банд қилинган корхона ва ташкилотлар томонидан 2018 йил 1 апрелга қадар банд қилинган иш ўринларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиш амалга оширилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августлаги 186-сон қарори билан тасдиқланган ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (А.Инагамов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Бўстонлиқ туман ҳокимининг 2016 йил 6 октябрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2017 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 2504-сон қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б.Султонов**

Бўстонлиқ туман хокимининг
2017 йил "03" 10 даги
1491-сонли қарорига илова

Бўстонлиқ туманида 2018 йил учун ижтимоий ҳимояга муҳтож иш топишга қийналадиган фуқароларга корхона ва ташкилотлар томонидан белгиланган квоталанган иш ўринлари
РЎЙХАТИ

№	Корхона ва ташкилотлар номи	Жами Ишчи-лар сони	Банд қилин-ган иш ўрин-лар сони	Ёлғиз ота оналар хамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота оналар	Таълим муассас аларини тугатган ёшлар	Мудда т-ли харби й хизма т-дан бўша-тилга нлар	Ноги-ронлар	Пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар	Жазони ўташ муассасалар идан бўшатилган лар	Сафар-барлик чақируви захира-сига кири-тилган шахс-лар	Кичик ёшли бола-лари бўлган ишла-маёт-ган	Одам савдосид ан жабрлан ганларни иш билан таъминл аш	Ижтимо ий муҳофаз ага муҳтож шахслар нинг бошқа тоифала ри
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		13
1	Бўстонлик тумани ободонлаштириш бошкармаси	281	20	4	2	3	2	2	6		1		
2	Ғазалкент хизмат курсатиш ва иктисодиет касб-хунар коллежи	122	9	2	5	1					1		
3	Товоксой иктисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи	76	5	1	2	1					1		
4	Toshkent viloyati mintaqalararo suv quvurlaridan foydalanish boshqarmasi	57	4	1	1	2							
5	Миллий банк Бўстонлик филиали	26	2		1						1		
6	"CHORBOG'GESQURILISH" unitar korxonasi	255	18	4	8	4			2				
7	Чимган Санаторияси	140	10	2	3	2	1				2		
8	"KONVIN" aksiyadorlik jamiyati	115	8	1	4	1	1				1		
9	125-sonli imkoniyati cheklangan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan maktab internati	80	6	1	4	1							
11	"Chorbog' suv ombori boshqarmasi"	64	4	1	2	1							
12	"CHOTQOL-REABILITASIYA MARKAZI" davlat korxonasi	132	9	1	3	2	1			1	1		
13	Савдогар банк Бўстонлик тумани филиали	35	2		2								
14	Кишлок курилиш банк Ғазалкент филиали	39	3	1	1						1		
15	"BO'STONLIQ TUMANI YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	235	16	1	5	4	1		5				
16	Бўстонлик кишлок хужалиги касб-хунар коллежи	73	5	1	2	1					1		

17	"SANOATUYENERGOQURILISH" unitar korxonasi	228	16	2	3	3		2	5	1			
18	"TOVOQSOY" urush va mehnat faxriylari respublika sanatoriyasi	220	15	4	6	1	1				3		
19	Халк банки Бўстонлик тумани филиали	30	2		2								
20	Бўстонлик курилиш ва коммунал хужалиги касб-хунар коллежи	66	5	1	2				1		1		
21	Bo'stonliq tumani Suvoqova filiali	161	11	2	6				1		2		
22	54-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	77	5	1	3						1		
23	BO'STONLIQ TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI	1 443	101	26	40	6	5	1		1	20		2
24	"ENERGOQURILISHINDUSTRIYA" unitar korxonasi	328	23	5	11	1			4		2		
25	"XUMSON SANATORIYASI" davlat unitar korxonasi	165	12	1	7	1	1		1		1		
26	BO'STONLIQ TUMANI DAVLAT SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIYA NAZORATI MARKAZI	129	9	1	6	2							
27	Bo'stonliq tumani davlat veterinariya bo'limi	33	2		2								
28	"O'RTACHIRCHIQ GIDRAVLIK ELEKTR STANSIYALAR KASKADI" unitar korxonasi	380	27	4	17	5				1			
29	Бўстонлик туризм ва сервис касб-хунар коллежи	47	3		2						1		
30	Бўстонлик урмон хужалиги ва сервис касб-хунар коллежи	58	4		3						1		
31	53-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	68	5	1	3						1		
32	1-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	57	4	1	3								
33	2-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	80	6	1	3						2		
34	3-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	83	6	2	3						1		
35	20-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	77	5	1	2						2		
36	"OQ-TOSH SANATORIYASI" МЧЖ	136	10	1	6	1	1		1				
37	"UNIVERSAL GOLDEN WING" МЧЖ	153	11	4	3	2					2		
38	"CHIRCHIQ GO'SHT-SUT SAVDO" МЧЖ	114	8	3	3	1					1		
39	"GAZALKENT MEVA" МЧЖ	104	7	1	1			1	3			1	
40	"BO'STONLIQ TIKUVCHILARI" МЧЖ	98	7		3						4		
41	"BO'STONLIQ PLASTEKS" МЧЖ	198	14	3	8						2	1	
42	"OSBORN TEXTILE" МЧЖ	834	58	15	27						15	1	
ЖАМИ		7097	497	101	220	46	14	6	29	4	72	3	2